





# ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИГА ФЕСТИВАЛЬ СОВРИНЛАРИ

Ленинград шаҳрида XVI Бутуниттифоқ кинофестивали ўз ишнин якунида, кўп миллатли совет кино санъатининг ўзига хос кўригига айланган ушбу анжуманда ўзбек кино усталарининг бир қатор картиналари фестивалнинг асосий совринлари билан тақдирланди. Мухбирларимиз М. Абдуллаев ва Э. Адаякина СССР халқ артисти, «Ўзбекфильм» киностудияси директори Ш. С. Аббосовга мурожаат қилиб, фестивал таассуротлари, соврин ва диплом билан тақдирланган фильмлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Шухрат Солиқович, мамлакатимизнинг машҳур кино санъаткорлари, шу жумладан ўзбек экран усталари иштирок этган кино анжуманда бизнинг фильмларимиз қандай баҳоланди?

— Нева соҳилидаги гузал Ленинград шаҳрида ўн кун мобайнида ўтган Бутуниттифоқ кинофестивали ўзбек киносанъаткорлари а р и учун ҳам ўзига хос маҳорат синови бўлди. Унда бадиий, шунингдек, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмлар наомий эътибор билан тақдирланди. Кино кўришга тақдим этилган юздан ортққ картиналар ичида ўзбек киносанъаткорлари а р и яратган иккита бадиий, битта мультипликацион ва иккита ҳужжатли фильм фестивалнинг махсус муфозотлари билан тақдирланди.

Кинорежиссёр Элёр Эшмухамедовнинг О. Атишев билан ҳамкорликда яратган «Алло-маннинг ёшлари» фильми кинофестивалнинг бош совринига сазовор бўлди. Картина

бу юк энциклопедист олим, тиббиёт илмининг бобокаломи Абу Али ибн Синонинг ёшлари йилларини акс эттирди. Элёр Эшмухамедов тарихий мавзуга биринчи бор мурожаат қилишга қарамай, олимнинг сиймосини экранда тўлақонли гавдалантиришга, у яшаган даврнинг тарихий ҳақиқатини кенг рамаб олишга муваффақ бўлган. Шу киносанъаткорларнинг кенг рамаб олишга муваффақ бўлган. Шу киносанъаткорларнинг кенг рамаб олишга муваффақ бўлган. Шу киносанъаткорларнинг кенг рамаб олишга муваффақ бўлган.

Кинофестиваль жюрисининг махсус дипломини кинорежиссёр З. Собитов ва Г. Бзоровлар яратган «107-инструкция бўйича тўнтарин» фильми ҳам олд. Шунингдек, бу фильм ВЛКСМ Марказий Комитетининг махсус соврини ва дипломи билан тақдирланди. Картина АҚШнинг яқин Шарқ мамлакатларида а г и авантюрачилик сисёати фойдаланишга қаратилган. Кинофестивальнинг махсус муфозотлари билан тақдирланди.


валнинг энг яқини мультфильмлар учун таъсис этилган совринларидан бири Ёш кинорежиссёр А. Сокировнинг болалар учун яратган «Юлдуз» мультфильмига берилди. Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясининг иккита картинаси — «Қизилқумни саҳро деманглари» ва «Мудҳим гигант» картиналари фестивалнинг иккинчи дипломи ва соврини билан тақдирланди. Ўзбек киносанъаткорлари яратган картиналарга берилган совринлар иккидонт ишларимизга ўзига хос баҳо бўлиш билан бирга бизни янги, тўлақонли образлар яратиш, халқимиз ҳаётининг муҳим давраларини экранда юксак маҳорат билан тасвирлашга ихломлантиради.

— Ҳозир ўзбек кино санъаткорлари қандай янги фильмлар устида иш олиб боришапти?

— Яқинда кинорежиссёр Латиф Файзи

ев Ўзбекистон СССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров асарини асосида яратётган икки серияли «Уйғонин» фильми устидаги ишларни ниҳоясига етказди. Картина 1916 йилги Жиззах кўзғолони воқеаларини акс эттирди. Кинорежиссёр А. Акбархўжаев Ёш ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст сценариини асосида «Эртанинг сабоқлари» фильмининг суратга олиб бўлди.

Отанин революционер шоир Ҳамза Ҳакимзода Нийзийнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи «Оловли йўллар» кўп серияли кинопопоянинг сўнгги 13—16-серияларини яратиш ишлари бошлаб юборилди. Картина Бухоро, Хива, Тўртқул, Исфара шаҳарларида суратга олинди. Булардан ташқари, Ыўлош Аъзамов ва Ю. Райманлар «Пароль» «Регина» меҳмонхонаси, Қанама Камолова аса «Кундан-кунга» деб номланган картиналар устида кизгин иккидонт иш олиб боришапти.



СУРАТЛАРДА: XVI Бутуниттифоқ кинофестивали совринларига сазовор бўлган «Алло-маннинг ёшлари» ва «107-инструкция бўйича тўнтарин» (пасдаги сурат) фильмларидан кадрлар. А. Лопатини фотолари.

# ЖАХОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУҲБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН

УЛАН-БАТОР. Социалистик Монголиянинг энг нақирон саноат маркази бўлиш Эрдэнэт шаҳри тез суръатлар билан ўз моқдасига йўл олишда. Шу йил бошидан буён ерда замонавий аппаратлар билан жиҳозланган янги медицина комплекси очилди, бир

қанча манший хизмат ва жамоат объектлари фойдаланишга топширилди. Бу объектлар совет мутахассисларнинг ёрдами билан қурилди.

«Эрдэнэт» биргаликдаги Монгол—совет кон-бойитиш мис-молибден комбинатининг қурилганлиги тўғрисида маълумот берди. Ҳозирги вақтда МХР улкан кон-30 дан кўпроқ замонавий корхонани ўз ичига олади.

## МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

БЕРЛИН. ГДР пойтахтидаги энг йирик корхоналардан бири бўлган Берлин электротехника заводининг меҳнатчилари махсуслот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан янги вази-фаларни белгилдилар. Улар шу йилги ишлаб чиқариш топширигига қўшимча равишда 7 миллион маркалик махсуслот тайёрлаб чиқариш мажбуриятини олди-лар. Бунда асосий эътибор энергия, хом ашё ва материалларни ҳар томонлама та-жашта, фан ва техника-нинг илғор ютуқларидан кенг фойдаланиш асосида меҳнат

ундорлигини оширишга қаратилмоқда. Берлиндаги электротехника корхона-ларини бирлаштириб турган «Нарва» ком-бинати бош директори биринчи вице-президент Н. Метцнер бундай деди: ишлаб чиқарилаётган махсус-лотнинг асортименти ҳам килма-хил бўлади. Биз шу муносабат билан ҳар хил газ тўлдиргичлари бўлган лампочкалар ишлаб чиқаришни анча кў-пайтиришни режалаш-тирмақдамиз. Бу эса ГДРдаги корхоналар ва муассасаларнинг шунингдек Узаро Ит-тисодий Ёрдам Кенга-шига аъзо мамлакат-

ларнинг ана шу тип-даги ёриткичларга бўлган талаб-эҳти-ёжини яхшироқ қонди-риш имконини беради. Бундан ташқари, шу йилги фойдаланиш си-фатлари яхшилланган лампочкаларни кўп-лаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бу лампочкалар аввалги нусхаларидан электр энергиясини кам исте-моқ қилиш билан-гина эмас, пишиқлиги билан ҳам ажрлиб туради. Масалан, кў-чалари ёритиш учун мўлжалланган лам-почкаларнинг гаран-тияланган хизмат му-ддатиди энди 12 ми-нг соатгача узайтири-ди.

# ЮКСАК БАҲО

БАМАКО. Соғлиқни сақлаш ва социал ишлар министри Нго-ло Траоре Мали Республикасидаги совет врачларининг фидо-корона меҳнатига юк-сан баҳо берди.

У совет медаллари-дан бир гуруҳининг ватанига жўнаб кети-ши муносабати билан Габриэл Туре номли пойтахт касалхонаси-да нутқ сўзлаб, мам-лакатда соғлиқни сақ-лаш системасини тик-лаш ишига совет му-тахассислари катта ҳисса қўшганликлари ни таъйинлади. Республикага мустамла-качилардан оғир ме-рос қолган эди—мала-кали медицина кадр-лари, касалхоналар, диспансерлар етиш-масди. Мустақиллик-нинг дастлабки йил-ларидаюқ деди Н. Траоре, совет врачла-ри бизга ёрдамга ке-лишди. Мана 20 йил-дан кўпроқ вақтдан буён улар республика-нинг турли томонла-рида муваффақиятли меҳнат қилишмоқда, малилик ўз ҳамкас-блари ва маҳаллий аҳоли ўртасида юксак обрў ва ҳурмат қоз-онган.

Дори-дармонлар, ас-боблар, боғлаш мате-риаллар етишмаётган ҳозирги маҳалқатли иш шaroитларига қара-май, совет медал-ларини минглаб иши-ларнинг ҳаётини сақ-лаб қолдилар, гоёт мураккаб ва ноёб операциялар қилди-лар, қўллар беморла-рини даволадилар, деб таъкидлади Н. Тра-оре.

Совет медаллари, деб ўқитди у, меди-цина практикисидан ташқари, маҳаллий врачларга қўмақла-шиш, катта илмий иш қилмоқдалар. Совет Иттифоқининг ёрда-ми билан қурилган Бамако медицина би-лим юртида дарс бер-моқдалар. Ўзлаб ма-лиликлар совет олий ўқув юртиларида меди-цина билимини олиш-ган.

# Қ И С Қ А ХАБАРЛАР

Португалия болалар кўйлаб ўлиши жиҳати-дан Фарбий Европа мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгал-лайди, деб хабар қил-ди «Дневни» газетаси. Медицина хизмати си-фатидаги пастлиги би-ота-оналарда малакали медицина ёрдами олиш учун маблаг йўқли-ги сабабли ҳар кун 10 га яқин кичкинот нобуд бўлмоқда.

Фарбий Германия яқиндаги Кенигсдорф шаҳрида (Бавария ўлка-си) тез берган темир йўл фалокати натижа-сида 6 киши ўлди, 17 киши оғир ахволда касалхонага юборилди. Кельн—Вена маршрут-да кетаётган халқор-экспресс изидан чиқиб кетди.

Темир йўл кўтарма-сини ювиб кетган жала-ёвмиз, шунингдек тоғ-лардан темир йўл низга тушган тошлар авария-га сабаб бўлди.

Бразилиянинг жану-бий шtatларидан тўрт-тасида қарийб тўрт ой-дан буён давом этаёт-ган сув тошқини нати-жасида 30 киши ҳалок бўлди ва 35 киши бе-дарак йўқолиди. Мъ-мурларнинг хабар қи-лишларига, Перана ва Парерага дарбаларнинг тошиб кетиши сабабли ўн минглаб киши бо-шпанасиз қолган ва Риу — Гранди — ду — сул, Санта — Катерина, Па-рана ва Сан — Паулу шtatларининг қишлоқ хўжалигига катта зарар етган.

Граждан мувофаси отрядлари аҳолини мамлакатнинг беҳатар районларига кўчириш юзасидан мадал иш олиб бормоқдалар.

Болгария Халқ Рес-публикаси. Оқ нармар-дан бунёд этилган бу ноёб архитектура қури-лиши Пловдивда жо-ялашган. У бундан бир неча йил муқаддам Болгариянинг археолог-лар қазилма ишлари олиб бориётганда топилган эди. Эндилик-да бу антик театр рес-таврация қилиниб, ма-ҳаллий театр труппа-сига топширилган.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.  
3 Ташкент  
БЕТ ОҚШОМШ  
3 ИЮНЬ, 1983 й.

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### РАССОМ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

#### БУГУН

тўқмачилар маданият саройида тасвирий санъат студиясининг кекса аъзоси, М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғининг

рассом жиҳозловчиси Юрий Варболов асарларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмада рассомнинг юздан ортққ аса-ри намойиш этилмоқ-да. Улар орасида «В. И. Ленин деҳқон-лар билан суҳбатда».

«Паранжи улқотирил-ди», «Абу Али ибн Сино» картиналари, граждандар уруши воқеалари, Улғу Ватан урушининг айрим му-ҳим саналарига бағиш-ланган композициялар, портрет ва пейзажлар бор.

### ЭКРАНДА—БОЛАЛАР

«Биз ленинча дўст-лик билан курашми-з» шiori остида республикада бўлиб ўтган Бутунитти-фоқ болалар филь-лари ҳафталигига якун ясалди.

В. И. Ленин номи Бутуниттифоқ пи-онерлар ташкилоти ту-зилган кун арафасида ўтказилган киноха-фаликда мамлакат-имизнинг марказий ша-

ҳарлари ва қардош республикалар кино-студияларидан таниқ-ли киносанъаткорлар иштирок этишди. Ол-ти кун мобайнида республикамиз кино-театрларида бола-ларга аталган бадиий, мультипликацион ва илмий-оммабоп филь-млар намойиш этилиши билан биргаликда ки-нодраматурглар, ре-жиссёр ва актёрлар

билан учрашувлар бў-либ ўтди. Бугунги кунда итти-фоқимизда болалар учун йилгига 20 та бадиий лента яра-тилмақда. Ҳафталик давомиди 7 та бадиий фильм премьераси бўлди. Ҳафталик го-либлари қаторида «Ўзбекфильм» ки-ностудиясида яратилган «Ўзганинг беш баҳо-си» фильми авторлари ҳам бор.

## ШАҲАР ВА ГАРАЖ МУАММОСИ

### РЕЗЕРВЛАРНИ АХТАРИШ

Фрунзе районидида шахсий автотранспортнинг сақланишини тўрига солиш бўйича иш бошланган дастлабки кезларда жиҳди қийинчилик-ларга дуч келинган эди. Тажрибанинг етишмаслиги, шунинг-дек, машина туради-ган махсус очиқ жой-лар қўриш учун жой етишмаслиги муаммо бўлган эди.

Район партия коми-тети ва ижroiа коми-тети бу масалани син-чиқлаб ўрганиб, лойи-ҳаловчиларнинг фикр-лари билан танишди-лар. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари

олиб борилади. Шундан сўнг амалий ишга ки-ришилди. Ҳозир Фарҳод, Б. Хмельницкий, Волго-град кўчаларида маши-налар турадиган очиқ жойларнинг ҳаммаси илгари бўш ётган жой-ларда қурилди. Район-да кўпгина йўл ўтказ-миш ва кўприклар ҳам мавжуд. Уларнинг та-рида ҳам машиналар турадиган махсус жой-лар ташкил этиш мумкин. Бу жойларда машиналар тургани махсус территориялар ташкил этиш учун ор-тиқча харажатлар

шарт эмас, шунинг-дек, машина эгалари учун ҳам жуда қулай. Айни пайтда магист-раллар қиёфаси ўз гузаллигини йўқотмай-ди. В. И. Ленин номи болалар боғи атрофи-даги металл гаражлар ҳам тез орада олиб ташланади. Уларнинг ўрнида машина эгал-ри билан келишылган ҳолда автотранспорт-лар турадиган махсус очиқ жой қуришга қар-ор қилинди. Шундай жойлардан яна бири «Бошлик» номида уй-жой массивида ҳам қуриляпти. Янги квар-талга кўчиб келаётган

## АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

### Ҳаёти сақлаб қолинди

Бу тадқиқот маж-бурият сабабли рўб-га чиқди. Чехослова-киянинг Оломоуц шаҳ-ридаги ҳайвонот боғи-да боқилаётган антило-палардан бирининг ҳаёти хавф остида қолди. Чунки бу ҳай-воннинг оёғи қаттиқ зарарланган эди. Ана шу жароҳатланган оёғи кесиб ташлаш йўли билангина анти-лопа ҳаётини қутқариб қолиш мумкин эди. Ҳайвонот боғининг ветеринария пункти врачлари бу операция-ни муваффақиятли ўтказишди. Антилопа бутунлай чўлоқ бўлиб қолмаслиги учун эса учур кесилган оёқ ўси-лар махсус усталар томонидан тайёрлан-ган протез оёғи жой-лаштирилди. Ҳайвон-ни сунъий оёғида ўр-ганиш процесси ҳам узоқ давом этмади.

### Чекмаслик куну

Австралиянинг Вик-тория штатида бирин-чи марта «чекмаслик куну» ўтказилди. Штат маъмурияти 1.300 миң маҳаллий чекувчиларни тўплаб улар ўртасида чеки-ни ташлаш ҳақида тарғиб ишларини олиб боришди. Кишининг организмга бутун-лай эиён бўлган бу одатдан воз кечиш учун дастлаб ҳафтада бир марта «чекмаслик куну»ни ташкил этиш-га қарор қилинди.

### Денгиз тулқинларида

Кубалик балықчи-лар денгиз тулқинла-ри бўйлаб сузиб юр-ган катта ситирини кўр-ганларида дастлаб ўз кўзларини нишонмади-лар. Йўл, бу денгиз ситири эмас, балки од-дий уй ситири эди. Улар тезда ситирини кема палубасига чиқ-ариб олдилар. Маълум бўлишича, бу одатдан ташқари «ов» сабаб-чиси Матанас қушхо-насида қочиб жон ҳолатда ўзини дарёга ташлаган экан. Бечора ҳайвон сувда зўр-ба-зўр сузиб Мексика кўрфағига етиб ке-либди.

### Чекмаслик куну

Виктория соғлиқни сақлаш министрлиги-нинг қайд қилишича, агар тўпланган чеку-вчиларнинг ҳатто бир процентини ва қаки-риққа амал қилинса, мана шу штатнинг ўзи-да миңдан ортққ ки-шининг ҳаёти сақлаб қолинган бўлар эди.



аҳоли ўз транспорт-ларини ана шу махсус жойда бемалол сақла-шлари мумкин. Металл гаражларини олиб ташлаш ишлари Фрунзе районидида ил-гаридан ишлаб чиқил-

ган планга асосан амалга оширилди. Амалга оширилаётган бу тадбирлар Тошкент-нинг 2000 йилги юбилейига қадар уй-жой кварталлари, кў-чалар ва майдонлар

қиёфасини янада гў-заллаштириш имкони-ни беради. СУРАТДА: Фрунзе районидида кеча-ю-кун-дуз давомида ишлайди-ган 22-машиналар сақлаш жойи.

# Спорт кундалиги

## Оммавий стартлар

Фрунзе районидидаги физкультура коллективларида ГТО нормативини бажариш бўйича оммавий ўқубоқлар ташкил этилди. Бу ёшларда саноат корхонала-ри ва муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари, техникум ва ўрта мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртиларининг студентлари иштирок этишди.

«Меҳнат», «Таштекстильмаш», «Текстильшанс» спорт клуби ба-заларида бўлган ГТО норматив-ини бажариш мусобақаларида 10 миң 209 физкультурачи иштирок этди. Уларнинг кўплари ГТО комплексининг олтин нишонини олишга муваффақ бўлдилар.

вазифасини бажарди. Команда ҳисобида «Спартак» кўнчили спорт жамиятининг вакиллари галабага эришдилар. «Буре-вестник» жамиятининг вакилла-ри иккинчи ва «Меҳнат» резерв-лари спорт жамиятининг вакил-лари учинчи ўрнини эгалладилар.

Тошкентлик спартакчи Татьяна Матвеева кўш галабани қўлга киритди. Дастлаб у яқна учрашувл-ларда галаба нашидасини сурган бўлса, андижонлик клубдоши Рус-там Усмонов билан аралаш ра-зрядда чемпион унвонини қўлга киритди.

Яна бир тошкентлик теннисчи Леонид Грудский фарғоналик «Буревестник» кўнчили спорт жамиятининг вакили Ренат Эш-мухамедов билан жуфт разрядда голиб чиқди.

## Фигурачиларнинг чиқиши

Тошкентдаги «Юбилейний» Марказий спорт залида ўтказил-ган Бутуниттифоқ «Тошкент конь-килари» турнирида мамлакатим-изнинг 9 шаҳридан келган спорт-чилар иштирок этишди. Програм-мадан жой олган барча беллашу-ларда тошкентлик динамочилар голиб чиқишди.

Жумладан, яқна баҳсларда спорт мастерлари Римма Ваҳобова ва Сергей Попов биринчи ўринни қўлга киритишди. Спорт жуфтли-гида Елена Повелева — Влади-слав Фокин, рақс жуфтлигида эса Ружена Асанова ва Герман Юда-ев голиб чиқдилар.

Шу билан фигурачилар бу йил-ги мавсумни якунлашди.

## Кийин трассада

Юрий Милащенко ва Фарҳод Акбаровдан иборат экипаж Анди-жон областида ўтказилган авто-ралли бўйича Ўзбекистон шахсий

## Спорт ёзи бошланди

Каникул кунларида Ленин райо-нининг мактаб ўқувчилари ГТО нормативини бажариш мусобақа-ларида актив иштирок этишмоқ-да. Ҳозирга қадар 5 миңга яқин ўқувчи ГТО нормативини бажар-ди.

Ўқувчиларни энди пионер ёзи кутмоқда. Улар сўлим пионер ла-герларида хордиқ чиқариб дам олишади. Бу жойларда физкул-тура-спорт билан актив шугулла-ниб ўз саломатликларини мус-таҳкамлашади.

КИНО

3 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ТУРТОВЛОН КАРДИНАЛГА ҚАРШИ» — Ватан (куффт соатларда).

«НИХОСИС УҒИЛ» — Восток (18.30, 21.00, телефон 91-14-61), «Дружба» (17, 18, 20, 21.00, телефон 66-15-75), Москва (18.30, 21.00, телефон 33-05-01), Санъат саройи (18.30, 21.00, телефон 44-21-74).

«УЗОҚ ТУН» — Чайна (18.30, 21.00, телефон 77-06-20), «ЯНКУ ЖИАНУ — СОЛИҚ ЯИГУВЧИ», «ЯНКУ ЖИАНУ — ГАЙДУК» — Қозоғистон (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» — Исра (18, 21.00, телефон 39-14-59).

«ЯНКУ ЖИАНУ — СОЛИҚ ЯИГУВЧИ», «ЯНКУ ЖИАНУ — ГАЙДУК» — Қозоғистон (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 4 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Тбилиси) командалари ўртасида ФУТБОЛ

А. НАВОИЙ НОМЛИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 8 июнь соат 19.30да Т. Хренников СЕВГИ УЧУН СЕВГИ 2 пардали балет Дирижёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти А. АБДУҚАЮМОВ.

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ АКТЮБИНСК ОЛИЙ УЧУВЧИЛИК БИЛИМ ЮРТИГА

Ўрта маълумотли, соғлиғи жиҳатидан граждан авиациясида учиб ишга яроқли деб тошилган (1 сентябрь арафасида), 22 ёшгача бўлган йигитлар учувчи-инженер ихтисосига қабул қилинади.

Билим юртига киришни хоҳловчилар қўйимати кўрсатилган хат орқали ёки шахсан қўйимати хужжатлари тақдим этилади: ариза, аттестат (асли), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтрачасидан кўчирма (иш стаяки борлар учун), 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, психоневрологик диспансердан справка ва бурун фотакатларнинг ҳолати тўғрисида рентген сурати (рентгенолог хулосаси билан бирга).

Паспорт ва ҳарбий хизматга оид хужжатлар қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.

Хужжатлар қабул қилиш ва медицина кўриги — 20 июндан 26 июлгача давом этади.

Адрес: 700167, Тошкент шаҳри, 167-алоқа бўлими, аэропорт, ўқув-тренировка отряди.

Кириш имтиҳонлари 1—20 август кунлари математика (ёзма ва оғзаки) дан, физика (ёзма) дан, рус тили ва адабиёти (ёзма) дан ўтказилади.

Курсантлар тўла давлат таъминотида бўладилар. Уларга бепул ётоқхона, овқат, 12 сўм миқдорда стипендия ва формали кийим-бош берилади.

АКТЮБИНСК ОЛИЙ УЧУВЧИЛИК БИЛИМ ЮРТИ ТОМОНИДАН: граждан авиацияси академиясига ҳаво ҳаракатини бошқариш бўйича инженер ихтисосига 25 ёшгача;

граждан авиациясининг Кировград олий учувчилик билим юртига инженер-штурман ихтисосига — 23 ёшгача (бошқа талаблар Актюбинск олий учувчилик билим юрти билан умумий) қабул ўтказилади.

Справкalar олиш учун аэропортларнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕХНАТ БУЛИМИ

ОИЛАЛАРНИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИ ВА ҚОЗОҒИСТОН ССР ТУРҒАИ ОБЛАСТИНИНГ ЕСИЛ РАЙОНИГА КЎЧИРИШНИ ҚЎШИМЧА РАВИШДА ЎТКАЗМОҚДА.

Кўчириш учун оиласи составида камидан иккита меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ва медицина комиссияси томонидан қиллоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жисмоний иш билан шуғулланиш мумкинлиги кўрсатилган аъзоси бор оилалар расмийлаштирилади.

Оиласи бўлмаган, запасга бўшатилаётган ёки истеъфодаги ҳарбий хизматчиларга кўчиришга руҳсат берилади. Кўчиришга расмийлаштирилган оилаларнинг поезд йўли кираси, юкларини олиб бориб бериш бепул. Бир маргалик нафақа ҳам тўланади. Кўчириш борган жойларда уларга уй ёки квартира берилади, имтиёзли шартлар билан қорамол сотилади ва яна бир қатор имтиёзлар бер.

Барча масалалар бўйича қўйимати адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй; 3-подъезд, 6-хона ёки аҳолини ишга жойлаштириш район бўлимига.

ОТА-ОНА-ФАРЗАНДА

Кўз очиб юмгунча бир-бирини қувлаб йиллар кетидан йиллар ўтади. Бир кун, қарабсанки, қизингиз ёки ўглингниз, 18 ёш остонасида турибди. Албатта, сиз бу ажойиб кунни эсда қоларли муносиб совға билан кутмоқчи бўласиз.

Агар Сиз бирмунча илгарироқ бунинг ғамини еб, «БОЛАЛАРНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ» бўйича шартнома тузиб қўйган бўлсангиз, сира ҳам қийналмайсиз.

Страхование мuddати тугагач, йигит ёки қизга шартномада кўзда тутилган страхование суммаси тўланади.

Бундай шартномаларни боланинг ота-онаси (асраб олувчилар), бобоси, бувиси ва бошқа қариндошлари тузишлари мумкин. Бу ҳолда шартнома тузиш пайтига келиб страхование қилинаётган боланинг ёши 15 ёшга 6 ойдан ошмаган бўлиши керак.

Страхование шартномасида страхование суммаси ёки унинг тегишли қисмини қўйимати ҳолларда тўлаш кўзда тутилган: жароҳатланиш, беҳосдан ўткир заҳарланиш, баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан касалланиш оқибатида страхование қилинган боланинг саломатлиги қаттиқ издан чиққанида, бундан ташқари, страхование шартномасида кўзда тутилган айрим ҳолларда страхование қилувчи шахсга у тулган барча страхование бадаллари ҳамда страхование суммасининг 30 проценти миқдорда нафақа тўланади.

18 ёшдан бошлаб шартнома тугаган кунгача 75 ёшдан ошмайдиган шахслар страхование қилувчи бўлишлари мумкин.

Бадаллар боланинг ёши, страхование мuddати, страхование суммаси ва тўлов даврига қараб белгиланади. Бу бадалларни бутун страхование мuddати давомида ҳар ойда, қисқартirilган даврга ёки арзонлаштирилган тариф бўйича бир йўла тўлаш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШҚАРМАСИ.

ЧИРОЙЛИ ВА УМРИ БОҚИЙ ХИВА ГИЛАМЛАРИ

Ёрқин камалак рангли, майин тукли гулдор Хива гиламлари азалдан донг таратиб келади. Замонлар ўтади, аммо уларнинг ранги айнимайди. Неча ўн йиллардан кейин ҳам худди бугунгидек бўёқларининг ёрқинлиги, нақшларининг жозибadorлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Асл жуздан қўлда тайёрланган қилин Хива гиламлари пшиқ-пхталлиги, чидамлилиги билан фарқланади.

Беш универсал магазинда — турли катталикдаги қўлда тайёрланган Хива гиламлари мавжуд. Баҳоси — 328 сўмдан 1620 сўмгача.


Ватанимизда ишлаб чиқарилган гиламларни кредитга сотиб олиш мумкин.

Беш универсал магазин соат 9.00 дан 21.00 гача ишлайди. дам олиш кунини — душанба (ҳар ойнинг охириги душанбасидан ташқари).

ГУМ Охунбобоев номи майдонда жойлашган.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги



Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 31-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Билим юрти темир йўл транспортда ишлаш учун қўйимати ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди:

Қўлда пайвандловчи электр пайвандчи, токар.

Ўқиш мuddати 6 ой. Ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади.

Машгулотлар гуруҳлар комплексланганда сўнг бошланади.

Пассажир вагонларининг проводниги, ҳаракатдаги состав ремонтини бўйича слесарь.

Ўқиш мuddати 1 йил (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади).

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси.

Ўқиш мuddати — 1.5 йил. Фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Тепловоз машинисти. Ўқиш мuddати — 2 йил. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматини ўтаб қайтганлар қабул қилинади, ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади.

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз ва электровознинг электр ускуналарини ремонтини бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги состав ремонтини бўйича слесарь (электр поездлар, тепловозлар), токар, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, электр-газ пайвандчи, санаот ускуналарини ремонт қилувчи слесарь.

Ўқиш мuddати — 3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади. Билим юртида 3 йил ўқиганлар ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Бошқа шахарликларга ётоқхона берилади.

Билим юртини тугатганлар темирйўллар учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар. Жумладан, Совет Иттифоқининг қўллаган шахрига бепул бориб-келиш ҳуқуқларига фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртига киришга имтиёзлар берилади.

Машгулотлар 1 сентябрда бошланади. Мурожаат учун адрес: 700074, Тошкент шаҳри, 74-алоқа бўлими, Ҳамза району, Сломим кўчаси, 15, 23, 61-автobусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 72, 48-автobусларнинг «Котельная бекати». Телефон 96-34-90.

ҲАМЗА РАЙОН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

бош геодезист, смета-шартнома бўлими бошлиғи, ишлаб чиқаришни тайёрлаш гуруҳлари бошлиғи, ишлаб чиқаришни тайёрлаш бошлиғининг ўринбосари, бош бухгалтер-ревизор, катта инженерлар, ишлаб чиқариш, техник, меҳнат ва иш ҳақи, ишлаб чиқариш тайёрлаш гуруҳлари, лойиҳа-смета гуруҳлари, смета-шартнома бўлимидаги инженерлар; таъминот бўлими товаршунослари

КЕРАК

Турар жой трестга ажратиладиган фондга қараб, умумий асосда, навабти билан берилади.

Ошхона ишлаб турибди. Чилонзор, Юнусобод, Сергели районларида яшайдиган ишчиларга трест транспорти хизмат кўрсатади.

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш маркази пунктига мурожаат қилинсин.



3 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.45 «Виз ВМНИ гуруҳи». 19.30 «Дунё воқеалари». 19.30 «Валанд қўлар ёнида учрашув». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси, 3-серия. «Учрашув». 21.30 «Время». 22.05 «Тасодифий йўловчилар». Бадиий фильм. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 «Танҳо сонлиқлар». Телевизион ҳужжати фильм. 23.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эришлар. Финал гуруҳи командаларининг матчи. Франциядан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг кичиник программаси

18.00 Янгиланлар. 18.50 В. Левашов. «Шамол томон тўғрида». Телевизион спектакль. 20.10 «Волга». Ҳужжатли фильм. 20.00 «Туникига қарли бўлиш, кичиник тоғлар». 20.45 «Камалак» халқ индийети телевизион программаларининг V халқаро фестивали Яман Араб республикасининг санъати. 21.15 «Темир йўл». Телевизион ҳужжати фильм. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Торпедо» (Кутаиси). Динамо стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 М. Бешу, М. Писецкая, В. Варини, З. Сотила, А. В. Вишневская, А. Чепурной А. Весни Е. Сумишевский, «В. рэна» ансамбли, Н. Никрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестри, РСФСР Давлат ҳудудий оркестри «Моний Дунай (Австрия) вокал-чолғу ансамбли иштирокида концерт.

Ўзбекистон телевидениенинг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Янги эртан». «Ширин эртан». «Дустлар». Кўнжирқоч фильмлар. 18.45 «Виринчи даржалли вафиза». Ҳужжатли фильм («Ўзбектедфильм»). 19.05 «Пилан — ишлаб чиқариш қонунин». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Чорвачилик — зарбдор фронт» 20.00 «Халқ индийети». Вахшиларнинг Республикасининг Рес. публича конкурси. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Халқ индийети». Вахшиларнинг Республикасининг конкурси (давони). 21.30 Москва «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.30 «Ўзундан узоқ иш». Бадиий фильм.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Денгиздан асган шамол». Ҳужжатли фильм. 19.00 «Автомарш». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиланлар. 20.20 Тошкентнинг 2000 йилгига. «Она шаҳри — Тошкентим». 20.50 «Сонетлар ҳошими». Телеспектакль (рус.). 21.30 МТ II.

4 ИЮНЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар: «Новдаларнинг шитирлашидан бўлак». «Табнат қонунига биноан». 10.15 «Спортлото»нинг 23-тиражи. 10.25 «Отаналар, Силалар учун». СССР маориф министрининг ўринбосари В. М. Коротов билан суҳбат. 10.55 А. С. Пушкин. «Мисе чавандос». М. Царев ўйи. 11.25 «Валанд қўлар ёнида учрашув». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Учрашув». 12.40 «Усмилчилар дунбон». 13.25 «Едингдами, ўртоқ...». 14.25 «Камалак» халқ индийети телевизион программаларининг V халқаро фестивали. Яман Халқ Демократик Республикасининг санъати. 14.55 «Дунё воқеалари». 15.10 Болалар учун фильм. «Буюк ҳайвон ўргатувчи». 16.25 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эришлар. Финал гуруҳи командаларининг матчи. Франциядан олиб кўрсатилади. 17.05 «Сиевий шарҳловчи В. П. Векетос суҳбати. 17.35 «Муъжизаси-муъжизалар». 18.35 «Хамдўстлик». Телевизион журнал. 19.05 «Еш келин-куёлар ҳақида қисса». Телевизион спектакль премьераси. Е. Шварцнинг шу номи пьесаси мотивлари асосида. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Арабат». 2-тайм. В. И. Ленин номи марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 22.45 «Яил фаслари. Ваҳор». Музикали кўрсатув. 23.50 Янгиланлар.

Ўзбекистон телевидениенинг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мағтаб ўқувчилар учун. «Нўшигим, жон қўшигим». 18.45 «Ахборот» (рус.). 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор». — «Динамо» (Тбилиси). «Пахтакор» Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот». 20.50 «Шанба тароналари». «Ялла» вокал-чолғу ансамбли қўйлади. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Қишлоқда коллектив пудрат самараси». 22.30 Телевизион экранда биринчи марта. «Оилавий ҳаётдан сахналар». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИАЛАР БЮРОСИ

МАКТАБ ўқувчиларининг ёзги каникул кунларида қўйиматидаги МАРШРУТЛАР БУЙИЧА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ:

ПСКОВ (поезда) — 3-8 июль, 10-15 июль, 17-22 июлда 5 кунга. Ваҳоси — 155 сўм. РИВИНСК-РОСТОВ-ЯРОСЛАВЛЬ (поезда) — 18-22 июлда 5 кунга. Ваҳоси — 120 сўм. ЗАГОРСК (Подмосковье — поездда) — 13-17 июндан 5 кунга. Ваҳоси — 140 сўм. АНГАРСК (поезда) — 10-16 июль, 25-31 июлда 5 кунга. Ваҳоси — 130 сўм. ДЗЕРЖИНСК (Горький области) — 4-8 июль, 25-29 июль, 8-12 августдан 5 кунга. Ваҳоси — 150 сўм (самолётда). 130 сўм (поезда). Путивка баҳосига бориш-келиш, яшаш, овқатланиш ва экскурсия хизмати кирди. Кўрсатилган жойгача етиб бориш учун кетган вақт маршрутнинг мuddатига қўшилмайди. Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиббони, 5-уй, 8-хона. Телефон 39-13-59.

155-ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1983—84 ўқув йили учун қўйимати ихтисослар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

узоқ масофаларга қатновчи пассажир вагонлари проводниги. Ўқиш мuddати — бир йил. Ўрта маълумотга эга бўлган 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойна 30 сўмдан стипендия берилади. Ўқувчиларга ётоқхона берилмайди.

Машинада қоплаш учун қопловчи. Ўқиш мuddати — бир йил. 8—10 синф маълумотига эга бўлган 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади, уларга ойна 30 сўмдан стипендия берилади. 8 синф маълумотига эга бўлганлар учун — 30 сўм, 10 синф маълумотига эга бўлганлар учун — 70 сўм. Ётоқхона берилмайди.

Товар-универсал. 10 синф ҳажмида маълумоти 17,5 ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади, уларга ойна 30 сўмдан стипендия берилади.

Тепловоз машинисти ва рефрижераторлар поездлар механиги. 10 синф ҳажмида маълумоти 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади, уларга ойна 30 сўмдан. Совет Армияси сафларидан запасга бўшатиладиган кишилар учун — 72 сўмдан стипендия берилади. Ўқиш мuddати — бир йил йил.

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз механика қисми ремонтини бўйича слесарь, электр-газ пайвандловчилар, тепловоз электр қисми ремонтини бўйича слесарь, санаот ускуналарини ремонтини бўйича слесарь, совутиш қурilmаларини ремонтини бўйича слесарь. Ўқиш мuddати — 3 йил. 8-синф ҳажмида маълумоти 15 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-кечак, кўнжирқоч ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланади. Ўқиш вақти меҳнат стажига кирди.

Билим юртини битирганларга диплом берилади. аълочилар оёса олий ва ўрта ўқув юртига имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юрти битирувчилари темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан Совет Иттифоқининг исталган пунктига темир йўл транспортда бепул бориб келиш имкониятидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қўйимати хужжатларини тақдим этадилар: директор номига ариза, таржима ҳоли, тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, ота-оналарининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, характеристика, 8 дона фотосурат.

Хужжатлар ҳар кунини (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — ораган Ташкентнинг горнома ИП Ўзбекистан ва Ташгорсоветга.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41, Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-86; санаот — 32-53-83; кўриш — 32-58-85; «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — 32-57-83; совет кўрилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мағтаб ва олий ўқув юртилари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-58-81; ахборот — 32-28-05; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навабчи лари — 33-90-50.